

## Гирудотерапия

*т/х полковниги Сабилов Д.Р., т/х полковниги Хужманов У.М.*

*ТТА хузуридаги Харбий тиббиёт факультети*

Тиббиётда гирудотерапия (лотинчада ***girudo*** - зулук; ***terapia*** – даволаш) номи билан аталган муолажа амали мавжуд. Гирудотерапия, яъни зулук билан даволаш услубига Гиппократ, иккинчи асрнинг улуғ ҳакимларидан Жолинуc (Гелен) ва X- XI асрларнинг атоқли табиби Абу Али ибн Сино ҳам катта эътибор беришган. Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобида зулук солдиришнинг афзалликлари, тартиб-қоидалари ҳақида батафсил маълумот берган. Бир қатор давлатлар, жумладан Франция, Буюк Британия, Россия тиббиёт асосчилари ҳамда олимлари томонидан олиб борилган илмий-амалий тажрибалар зулукдан кенгроқ кўламда фойдаланганини курсатади. Улар ўз муолажаларида зулук қуллашгани тарихдан маълум. Купчилик зулук билан даволашни халқ табобатига оид деб билса-да, аслида, у замонавий тиббиёт ҳам тан олган муолажа услублари сирасига киради. Унинг саломатликка фойдаси жуда кўп. Одатда зулуклар одам танасидаги махсус акупунктур нукталарга қўйилади. Зулук мазкур нукталарга ёпишиб олиб, терини 1.5-2 мм чуқурликда тишлаб, секин-аста қон сура бошлайди. Хавотир олман, зулук жуда нозик жаррох ва сиз нариборса чумоли чаққандай енгил ачишиш ҳис қилишингиз мумкин. Шуниси ҳам борки, бир дона зулук атиги 5 мл дан ортиқ қон сўра олмайди. 40-60 дақиқа мобайнида қон сўриб бўлгач, ўзи теридан тушиб кетади.

Зулуклар муолажа учун махсус купайтирилади ва мутлақо стерил даражада бўлиб, биттаси фақат бир одамга қўйилади. Зулук қон сўрган жойда 12—16 соат давомида бироз қонаш кузатилиши мумкин.

Бу митти «табиб» хидларга жуда таъсирчан ва инжик. Шу боис бемор терисидан атир, сигарета тутуни ёки спиртли ичимлик хиди анқиб турса, қон суришдан бош тортиши мумкин.

Қон олдириш қадимдан беморларни даволашнинг саломатликни асрашнинг энг асосий шартларидан ҳисобланган. Халқ табобатида айниқса, зулук ёрдамида қон олдиришга катта эътибор берилган. Замонавий тиббиёт олиб борган узоқ йиллик амалий тажрибалар зулук фақат қон олдириш воситаси булиб гина қолмай, балки жуда кўп бедаво дардлардан халос қила олишини ҳам исботлаб берди. Зулук билан даволаш соҳасида билим ва тажрибага эга бўлган мутахассисларнинг халқ табобати ва замонавий тиббиётда орттирган тажрибалари, зулукнинг хусусиятлари, зулук муолажаларининг самаралари ҳақида суз юритилади. У табобат билан қизиқувчи ва ўз соғлигига бефарқ бўлмаган барчага фойда келтиради.

## АДАБИЁТЛАР

1. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”
2. Абу Али инб Сино. “Тиб қонунлари”
3. Ахмад Муҳаммад. “Унутилган табобат”